



ЭКОЛОГИЯДАН ДАРС ЎТИШДА ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Хушвактова Хуснобод Солиевна

доцент, Табиий фанлар кафедрa мудири,

soya-oliva@mail.ru



Abstract:

This article provides information about the results of psychological testing of students when teaching ecology lessons and changes in students' attitude to nature.

Keywords:

Ecology, test, student, environmental knowledge, empirical experiment, experience, terminal assessment, instrumental assessment.

Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш фани бугунги кунда Олий таълим муассасаларининг барчасида асосий фан сифатида ўқитилмоқда. Инсонларнинг табиатни муҳофаза қилишлари учун жамиятда яшаб фаолият кўрсатаётганлар бугун бу ҳаракат қанчалар муҳим эканлигини билишлари учун экологик билим, маданиятга эга бўлишларини талб қилинади. Табиатни муҳофаза қилиш деганларида, фақатгина табиат эмас, балки инсонлар яшаб турган уй, ҳовли, мактаб, йўллар ва барчаси табиатнинг бир бўлагидир. Демак инсонлар ана шу моддий бойликларни асраб ва сақлаб қолишлари учун экологик билимга эга бўлсаларгина, улар табиатнинг гўзаллигини ҳис қиладилар. Ана шулардан келиб чиқиб, талабалар таълим оладиган барча ўқув хоналари қаторида экология хонаси ҳам бўлиши керак [1, 192., 2, 345.б].

Талабаларнинг шахс сифатида экологик билимини баҳолаш учун тажриба –синов ишлари аниқлашда ОТМ талабалари учун мўлжалланган [4-235.б] услубидан фойдаланилди. Тажриба-синов кузатувлари талабанинг дарс ва дарслардан ташқари жараёнларда ўзида экологик билимни ўрганиш учун олиб борилди. Таълим жараёнида талабанинг шахс сифатида билимига таъсир кўрсатувчи ижобий ва салбий омиллар аниқланди, аммо бажарилган барча тадбирлар талабанинг экологик билимини оширишга қаратилганди.

М.Рокичнинг “баҳолаш қиймати” методикаси кўпгина ОТМларда қўлланилади ва шахснинг жавоби орқали унинг экологик билимлари назорат қилинади. М. Рокич методикасининг муҳимлиги, шундаки унинг талабаларнинг экологик билимини аниқлашда, жуда мослашувчан ва талабани ҳар томонлама синаб кўришга катта имкониятлар беришидир. Рокич бўйича инсон табиатини баҳолаш: умумий қийматлари инсоннинг қадрини баҳолаш, чунки ҳар бир инсон кам ёки кўп миқдорда ўзича маълум қийматга ёки яхши хусусиятларга эга бўлади, бу усулда инсоннинг бутун жамиятдаги роли -ижтимоий феномени аниқланади. Олим ўз кузатувларини икки синфга бўлиб баҳолайди:

1. терминал баҳолаш
2. инструментал баҳолаш.

М. Рокич, **терминал баҳолаш** услубида шахсий ҳаётнинг асосий мазмуни, (тинч ва осойишта оилавий ва шахсий ҳаёт, бутун дунёда тинчлик) шахсий ва жамоавий ҳаётда инсонини шу йўналиш бўйлаб ҳаракат қилиши деб тушунади.

Инструментал баҳолаш усулида жамият қилган бирон бир янгилги, кашфиёти, ҳақиқатгуйлиги, эл-юрт назарида ижобий баҳоланишига айтилади. Милтон Рокич методида тест саволлари бўлиб улар 18 та саволлар ёзилган карточкадан иборат. Жавоб берувчи, карточкадаги саволларнинг ўзининг ҳаётидаги аҳамиятига қараб саволларга жавоб қайтаради. Биринчи савол талаб учун энг муҳим бўлиши лозим, кейинги саволнинг аҳамияти биринчидан пастроқ бўлади. Рокич саволларининг ўрни ҳар бир талаба учун бошқача бўлиб ўзгариб боради, чунки ҳар бир талабанинг ҳаётий фикрлаш жараёни бошқача бўлади. Бунда жавоблар талаба билими ва экологик қарашларни баён қилади.

Тажриба-синов майдончаси вазифалари:ОТМларда олиб бориладиган тажриба-синов ишлари диссертация ишимизнинг асосномасида ёзилган ва тасдиқланган бўлиб, иш бажариладиган ташкилотларнинг раҳбариятига алоҳида хатлар билан мурожаат қилиниб рухсат олинди. Тажриба-синов ишларида талабаларнинг дарс машғулотларига қатнашиши назорат қилинди ва айрим мавзулар мустақил иш тарзида дарсдан ташқари вақтларда олиб борилди. Дарсдан ташқари олиб борган тажрибаларимиз ҳам талабларда жуда катта қизиқиш ўйғотди, чунки учинчи босқич талабаларида мустақил ишларни ўзлари олиб боришга қизиқиш уларнинг фанлараро билимлари шаклланиб қолганлигини кўрсатади. Дарс ва дарсдан ташқари маълумотларни ўрганиш жараёнида олинган натижалар шуни кўрсатдики, талабалар томонидан берилган жавоблар улар ўқиб ўрганган фанлардан келиб чиқиб жавобларни беришдилар. 1- жадвал

Талабаларда олиб борилган психологик тестларнинг натижалари

Т/р	Тажриба ўтказилган ОТМ	Тажрибада қатнашган талаба сони	Тестдан олган ўринлари	Тажриба –синов ўтказувчи маъсуллар
1	Ўзбекистон миллий университети биология факультети	53та	1	Жобборов Б
2	Андижон давлат университети биология факультети, 3-курс	51 та	1	Норалиева Н
3	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 1-инглиз тили факультети 2 курс	53	2	Тангирова Г.Н.
4	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2-инглиз тили факультети, 3 курс	53	2	Эргашева Х.Я.

Тажриба-синов кузатувлари олиб борилганлиги натижалари ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги ҳақида маълумотлар жуда қизиқарли бўлди. Бизнинг фикримизча "баҳолаш қиймати" ни ўрганиш аслида талабанинг экологик шахсининг қиймати билан белгиланади. Бу тажриба методикаси ёрдамида кузатишлар 2016-2017 йилларда 2-инглиз филологияси факультетининг педагогика йўналиши талабаларида олиб борилди. Тажриба 303-304 гуруҳларда Рокичнинг "Баҳолаш қиймати" кузатиш учун талабалар белгилаб олинди. Синов-тажриба давомида биз Рокичнинг "Баҳолаш қиймати" методидаги саволларни ўзгартириб ўз саволларимизни талабларга тайёрладик. ОТМда ўқиётган талабада **терминал баҳолаш инструментал баҳолаш** учун тайёрланган янги саволларни ечиш учун талабага берар эканмиз, бизнинг қадриятларимиз ва экологик маданиятимиздан келиб чиқилди [3]. Ушбу саволларга жавоб берган талабалар ўз шахсини ривожлантириш, билими, маданияти,

қатъиятлиги, фидойилиги, ҳақиқатгуйли, тўғрилиги ва бошқа хусусиятларни ўзида шакллантириб олган бўлади. Албатта бу фикрлар талабанинг ёшига ва қайси босқичда ўқишига қараб фикрлари ўзгариши мумкин.

Бу ҳолатда биз талабанинг шахсий -индивидуал дунёқарашива келажакдаги бўлажак педагогик қобилиятидан, гуманитар университет талабаси эканлигидан келиб чиқиб фикрини баҳоладик. Ушбу саволни техник йўналишдаги бошқа талабалар учун ҳам Андижон давлат университети биология факультети 3-босқич талабаларида ҳам синаб кўрилди. Олинган маълумотлардан маълум бўлишича, талабалар биологик йўналишда, гуманитар йўналишда ўқишадими улар деярли бир хил фикрладилар.

Ҳар икки ОТМда кузатишлар олиб борилган талабалар сони 106 кишини ташкил қилди, ҳар икки ОТМда бир гуруҳ- назорт гуруҳи бўлиб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 26 талаба, иккинчи гуруҳ тажриба гуруҳи бўлиб талаб сони 27 та, Андижон давлат университети ҳам талабалар сони назорат гуруҳида 25та, тажриба гуруҳида ҳам 26 тани ташкил қилди.

Бизнинг тайёрлаган “Баҳолаш қиймати” да саволлар иккига бўлиниб 1) –да **терминал баҳолашда** талаба шахс сифатида ўз келажак учун интилади ва ўз мақсади учун ҳаракати қилади. 2)- чи **инструментал** “Баҳолаш қийматида” да эса ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шахс сифатида, маълум бир образга кириш учун ҳаракат қилади. Биз М.Рокичнинг баҳолаш методидан фойдаланган ҳолда бизнинг экологиямизга ва миллий кадриятларимизга асосланган ўз “Баҳолаш қиймати”ни кўрсатадиган саволларини тузиб чиқдик. Чунки М.Рокич “Баҳолаш қийматидаги” саволлар мажмуаси бизнинг экологик кадриятларимизга тўлиқ мос келмади. Шунинг учун биз ўз кадриятларимиз ва миллийлигимизданг келиб ўз психологик тестимизни туздик.

Талабаларга 18 саккизта савол ёзилган чиройли карточкалар тарқатилди ва уларга биринчи терминал деб белгиланган саволлар мавжуд бўлади, кейин талабалар уларни ўқиб алоҳида рақамлар билан белгилаб чиқадилар. биринчи топшириқни баҳолагандан сўнг иккинчи инструментал баҳолаш саволлари яна 18 карточкага ёзилган бўлади. Талабалар навбатдаги саволларни шошилмасдан ўқиб чиқади ва ўзларига маъқул деб билган жавобларни 1,2, 3,4 ёки 5 рақамлари билан белгилаб чиқишди.

Талабаларнинг тест саволларига берган жавоблари уларнинг нафақат экологик онги ва дунёқарашининг шаклланганлиги кўрсатди. Тест саволлар аслида психологик кўринишда деб хисоблаймиз, чунки жавобларнинг турли-туманлиги, талабалар психологияси ва билимининг айримларида юқори, айрим талбаларда жуда паст эканлиги маълум бўлди.

Тажриба-синов олиб борилган талабалар уч хил йўналишдаги ОТМлар талабалари эди. Маълумотнинг қизиқлиги шундаки, Тошкент шаҳридаги талаблар Рокич тестларига юқори балларни кўйишганлар, жавобларда маълум бўлдики, кўпгина талабларнинг табиат, ўқитувчи ҳақидаги фикрлар доимо ижобий бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Миллий университети талабалари ининг экологик билимлари билимлари ва фикрлаши биринчи ўринда, Андижон давлат университети талабалари иккинчи ўринда , яна шун айтиш керакки бу икки университет талабаларининг экологик билимлари ўртасида фарқлар кам, чунки бу олий таълим муассасаларида тажрибалар асосан биология йўналишида таълим олганлари учун ушбу тест саволларига мукамал жавоб беришларига олиб келди. Ушбу ОТМнинг талабалари табиатни бошқа олий таълим муассасаларига қараганда яхшироқ ҳис қилишлари маълум бўлди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари учинчи ўринда тест саволларига жавоб бердилар.

Б--руйхат (инструментал баҳолаш): тестлари шуни кўрсатдики, бу саволларга берилган жавоблар ҳали талабаларнинг табиий фанлардан билимлари анча паст даражада эканлиги жавоблардан маълум бўлди. “Баҳолаш қиймати” методи билан талабаларнинг экологияга оид билимини ўрганишнинг ташкилий таъминоти диссертацияда олдинга

сурилган илмий фараз, илмий янгиликлар ҳамда ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатларни бизнинг шароитимизга мослаб тажрибалар олиб бордик.

Хулоса.

Психологик методларга асосланиб ўз тестимизни яратишимизга сабаб ҳам, бугунги кун талабасида фикрлаш, дунё қараш ва атроф муҳитга бўлган муносабат мутлақо ўзгарган, шуларни эътиборга олган ҳолда талабалардан тест ўтказишда ўзимизни саволларимизни бериб улар фикрини ўргандик. Чунки экологик билимлар ва тушунчалар жуда тезлик билан ўзгариб бормоқда. Олий таълим муассасида синовни яқунлаш ва расмийлаштириш ва олинган натижаларни амалиётга жорий этиш боасида олинган маълумотлар чоп этилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. –Т.: - ТГПУ, 2003. – 192 с
2. Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций.-М.: ЮрайИздат, 2003.-607.
3. Мардонов Ш. Педагогик таълим тизимида таълимий қадриятлардан фойдаланиш.// Халқ таълим.-Тошкент., 2003.-№ 6.- Б 24-28.
4. Рокич М.2013. Природа человеческих ценностей. Москва. Изд. Педагогика. С 235.